



ЎЗБЕК ТИЛИДА ЛИСОНИЙ ЗИДДИЯТЛАР МЎЪТАДИЛЛАШУВИ

Дилфуза Абдухамидовна Нурманова
Филология фанлари доктори, профессор.
Андижон давлат университети.
nurmanova73@icloud.com

АННОТАЦИЯ

Мўътадиллашув ҳодисасини белгилаш, унинг сабабларини аниқлаш систем тилишуносликда вариантларни инвариантларга тўғри бирлаштиришига ёрдам беради. Шунинг учун ҳар бир миллий тил кесимида лисоний бирликлар ўртасидаги зиддиятлар ва уларнинг мўътадиллашуви масаласини ёритиш долзарб ҳисобланади. Ана шулардан келиб чиқиб, мазкур мақолада ўзбек тилининг морфологик сатҳида аналитик шакллар ўртасидаги зиддиятлар ва маълум шароитда уларнинг зиддият белгиларини йўқотиб, мўътадиллашув ҳақида маълумот берилади.

Калим сўзлар: зиддият, мўътадиллашув, аналитик шакллар зиддияти, аналитик шакллар зиддиятининг мўътадиллашуви.

NEUTRALIZATION OF LINGUISTIC OPPOSITIONS IN THE UZBEK LANGUAGE

Dilfuza Abdulhamidovna NURMANOVA
Doctor of Philological Sciences, Associate Professor
Andijan State University

Abstract

Defining the phenomenon of neutralization and determining its causes helps to correctly unite variants into invariants in systematic linguistics. Therefore, it is important to clarify the issue of oppositions between linguistic units and their neutralization in each section of a national language. Based on them, this paper provides information about conflicts between analytic forms at the morphological level of Uzbek language and their neutralization, as well as the elimination of oppositions features under certain conditions.

Key words: *opposition, neutralization, opposition of analytical forms, neutralization of analytical forms.*

Систем тилшунослик ҳар қандай лисоний бирликни муайян унсурларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган ва янги сифатга эга бўлган бутунлик сифатида эътироф этади. Лисоний бирлик мундарижасини белгиловчи ички тузилиш унсурларининг вазифаси бир лисоний бирликнинг бошқа лисоний бирлик билан муносабатида очилади. Шунинг учун ҳам систем тилшуносликда муносабат тушунчаси муҳим ўрин эгаллайди. Лисоний

бирликлар муносабати ўхшашлик ва фарқланиш тушунчаларини тақозо этади. Ўхшашликка ишора қилувчи унсурлар бирлаштирувчи, фарқланишни билдирувчи унсурлар эса фарқловчи белгилар саналади. Тил системасида ҳар бир лисоний белги бошқасига маълум фарқловчи белгиси билан зидланади. Шунинг учун ҳам зиддият систем тилшуносликнинг асосини ташкил этади. Мўътадиллашув ҳодисаси ҳам бошқа лисоний ҳодисалар каби зиддиятли, иккиланган хусусиятга эга бўлиб умумийлик ва хусусийлик белгиларини акс эттиради: хусусий белгилари орқали фарқли белгилари намоён бўлса, умумий белгилари орқали бир рукнга – мўътадиллашувга бирлашади. Парадигматикада зиддиятга киришувчи икки лисоний бирлик синтагматик муносабатда зидлик белгиларини йўқотиши – бир хил бўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳодиса мўътадиллашув (нейтрализация) саналади.

Ўзбек тилшунослигида яқин йилларга қадар синтетик ва аналитик шаклларнинг дистрибутив муносабатлари доирасида бир қатор изланишлар олиб борилган [8; 2; 3]. Жумладан, Г.Исақованинг номзодлик иши ўзбек тилидаги қилмоқ феълининг семантик-грамматик хусусиятлари, унинг сўз ясалиш ва сўз ўзгартириш системасига муносабати, лексик-грамматик системада тутган ўрнини белгилаш, айтиш вақтда, бу феълнинг бошқа бир қатор синтетик ва аналитик шакллар билан дистрибутив муносабатини аниқлаш мақсадини кўзда тутди [3].

Бизга маълумки, дистрибуция лотин тилидан ўзлашган термин бўлиб, унинг маъноси ажратиш, тарқатиш демакдир. Ушбу термин тилшуносликда бирор тил бирлигининг нутқда бошқа тил бирликлари қуршовида ишлатила олиш-олмаслик ўринлари, имкониятлари маъно-мазмунда қўлланади. Лингвистик адабиётларда дистрибуциянинг уч тури мавжудлиги таъкидланади: қўшимча, эркин, контраст [5].

Структур тилшуносликда кенг тарқалган дескриптив тилшунослик дистрибутив таҳлил методи билан ҳам иш кўради, бу бир қатор дескриптив тилшунослар асарларида (Л.Блумфилд, З.Харрис) баён этилган. Тилшуносликда кенг қўлланиладиган метод, усуллардан бири дистрибутив таҳлил методи бўлиб, унга кўра, айрим тил бирликларининг ўзаро дистрибуцияга киришуви, яъни қўлланилиш ўрни, жойлашуви турличадир. Бу назария тил системасини ташкил этувчи элементларнинг ўзаро бирлиги қонунлари борасидаги фикрга асосланади.

“Дистрибутив таҳлил асосида одатда икки хил вазифа: а) тил элементларининг ўзаро жойлашуви; б) уларнинг алоқадорлиги аниқланади. Масалан, синтактик сатҳда синтактик бирликлар ва уларнинг жойлашуви, ўзаро алоқаларнинг боғланиши аниқланади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, дистрибутив тилшуносликда тил элементларининг функцияси уларнинг маъносига қараб эмас, балки бир-бирига нисбатан жойлашув тамойиллигига суянади”[4,66].

Г.Исақова ўз ишида қилмоқ ва бўлмоқ феъллари ўртасидаги дистрибутив муносабатга тўхталар экан, бу бирликлар семалари ўртасидаги фарқли белгилар тўғрисида фикр юритади. Бунда олима уларнинг ўзаро фарқли маънолари, дифференциал белгиларини очиб беришга ҳаракат қилади. Шунини

хам айтиб ўтиш керакки, айтиш шу икки феъл маънолари айрим ҳолларда ўзаро зид муносабатларини йўқотади, уларнинг зидди мўътадиллашувга учраши ҳам мумкин. Масалан: *пушаймон бўлди – пушаймон қилди, ҳижолат бўлди – ҳижолат қилди (Наманган).*

Бундан маълум бўладики, *бўлмоқ* ва *қилмоқ* феъллари нутқий жараёнда бир-биридан фарқ қилувчи дифференциал белгиларга эга бўлиши билан бирга, улар ўртасидаги фаркланиш айрим нутқий вазиятларда кучсизланиши, мўътадиллашиши ҳам мумкин.

Тилшуносликда *бўл* лексемасининг семантик-грамматик хусусиятлари ҳамда сўз яшаш вазифаларини тадқиқ этишга қаратилган монографик асар майдонга келди [9,33]. Профессор А.Ғ.Ғуломов *қил* ва *бўл* феъллари ҳақида шундай ёзади: «*Қил* ёрдамчиси орқали ҳосил бўлган кўшма феъл кўпинча ўтимли бўлади, *бўл* ёрдамчиси эса ўтимсиз кўшма феъл ҳосил қилади. Масалан: *Дурадгор болани яхши тарбиялади. Унга ҳунар ўргатди, уни одам қилди. – Бола яхши тарбия олди, одам бўлди*»[13,74].

Г.Исақова кўмакчи феъл ва етакчи феълларнинг маъно хусусиятлари борасида тўхталиб, кўмакчи феълларнинг мустақил янги маъно ҳосил қилмаслиги, мавжуд маънони сақлаган ҳолда етакчи қисм маъносига кўшимча маъно юклашини таъкидлайди. Унингча, бу жиҳатдан *қилмоқ (этмоқ, айламоқ)* ва *бўлмоқ* феъллари юқоридаги кўмакчи феъллардан бирмунча фарқ қилади. “Улар ўртасидаги муҳим дифференциал белги деривативлик ва дериватив эмаслик бўлиб, зидланувчи аъзолардан *қилмоқ (этмоқ, айламоқ)* ҳамда *бўлмоқ* феъллари зидланишга асос бўлган белгига эгалиги, маркерланганлиги, кўмакчи феъллар эса бундай белгига эга эмаслиги, маркерланмаганлиги билан характерланади”[4,22].

Аналитик шакллар дистрибутицияси ҳақида сўз юритилганда, мазкур *қилмоқ* феълнинг англлатувчи маънолари билан бирга, тилимизда фаол қўлланилувчи *этмоқ* ва *айламоқ* феълларининг ўзига хос маъно ифодалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Бу феъллар “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да шундай изоҳланади:

Айламоқ. эск. кт. 1. *Қилмоқ.* 2. Ёрд.феъл. Кўшма феъл ясайди [10,54].

Этмоқ. 1. Ёрд.феъл. “Қилмоқ”, “айламоқ” маъноларида кўшма феъл яшаш учун хизмат қилади. 2. Шева. Айтмоқ [11, 61].

Қилмоқ. 1. *Бажо келтирмоқ, бажармоқ, ижро этмоқ, амалга оширмоқ.*

2. Баъзи отлар билан бирикиб, шу от англлатган нарсани *тайёрлаш, ҳозирлаш, пишириш* маъносини билдиради.

3. Бирор-бир ишга, *лавозимга қўймоқ, белгиламоқ, тайинламоқ, лозим кўрмоқ, танлаб олмоқ.*

4. Ёрд.феъл ваз. Сўз яшаш учун қилади – от, сифат ва бошқа туркумга оид сўзлардан турли маъноли феъллар ясайди.

5. Боғлама вазифасида қўлланилади [11,291].

Демак, берилган изоҳдан англашиладики, ўзбек тилидаги юқорида берилган феълларнинг маънолари ўртасида услубий зидланиш мавжуд бўлиб, уларнинг зидланиши турлича нутқ услубларида кўзга ташланади.

Луғатда келтирилган изохга эътибор қаратсак, бу феъл айрим отлар билан бирикиши натижасида шу от англатган нарсани *тайёрлаш*, *ҳозирлаш*, *пишириш* маъносини англатади. Бу феълларнинг ички маъно фарқлари турлича бўлиши мумкин. *Тайёрламоқ* ва *ҳозирламоқ* феъллари мазмунан тенг бўлса-да, *пиширмоқ* феъли уларга зидланади: *Ишга ҳозирланди* – *ишга тайёрланди* тарзида. Бироқ айрим нутқий вазиятларда бу феълларнинг маънолари зидди йўқолади ва улар зидланиши мўътадиллашади. Масалан:

Кечки овқатни тайёрлади.//*Кечки овқатни ҳозирлади.*//*Кечки овқатни пиширди.*

Берилган ҳар учала гапда *тайёрламоқ*, *ҳозирламоқ*, *пиширмоқ* феъллари мазмунан тенг бўлиб, уларнинг маъно зидланиши йўқолиши ва мўътадиллашиши кузатиляпти.

Ўзбек тилидаги *қилмоқ*, *айламоқ*, *этмоқ* феъллари ўзига хос ранг-баранг маъноларни ифода этиши билан характерланади, натижада бу феъллар англатган услубий ранг-баранглик уларнинг бошқа бир қатор феъллар билан мўътадиллашишини юзага келтиради. Масалан:

Уйга берилган вазифани бажарди. // *Уйга берилган вазифани қилди.*// *Уйга берилган вазифани тайёрлади.*

Берилган гапда *бажармоқ*, *қилмоқ*, *тайёрламоқ* феъллари ўртасидаги маъно нозикликлари ҳам кучсизланган ва уларнинг зидланиши мўътадиллашган.

Кўриниб туганидек, бутунлик сифатидаги тил системасининг изоморфлик табиати мўътадиллашувнинг тилнинг барча сатҳи учун хос бўлган универсал ҳодиса эканлигидан далолат беради. Мазкур ҳодиса морфологик сатҳда синтетик, аналитик шакллар мисолида яққол намоён бўлади. Морфологик ва синтактик бирликлар зидланишининг мўътадиллашувини тадқиқ этишда дистрибутив методдан фойдаланиш яхши натижа беради. Дистрибуциянинг уч хил кўриниши мавжуд бўлиб, улардан кўшимча дистрибуцияда зиддият аъзолари ўзида зидланиш учун асос бўлган фарқловчи белгини сақлаб қолади, мўътадиллашувга берилмайди. Контраст дистрибуция муносабатида зидланувчи аъзолар зиддият қийматини қисман сақлаб қолади. Эркин дистрибуция муносабатида эса зиддият аъзолари зиддият қийматини тўлиқ йўқотади ва мўътадиллашувга берилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бабайцева В. Явление переходности в грамматическом строе русского языка. – М.: Дрофа, 2000. – 640 с.
2. Жумаев Ф. Ўзбек тилидаги синтетик феъл ясалмаларининг аналитик феъл ясалмалари билан синонимик муносабати: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 22 б.
3. Исақова Г.Н. Ўзбек тилидаги *қилмоқ* феълсининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 21 б.
4. Исақова Г.Н. Ўзбек тилидаги *қилмоқ* феълсининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – Б. 66.
5. Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1990. – 685 с.

6. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. – М.: Просвещение, 1975. – 271 с.
7. Соссюр Ф. Труды по языкознанию. – М.: Наука, 1977. – 696 с.
8. Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – М.: Иностранная литература, 1960. – 272 с.
9. Цалкаламанидзе А. А. Валентность глаголов в свете их семантико-синтаксических свойств (на материале турецкого и узбекского языков): Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Л., 1988. – 33 с.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. 1-жилд. – Т.: ЎзМЭ, 2006. – 679 б.
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. 5-жилд. – Т.: ЎзМЭ, 2008. – 591 б.
12. Қодиров З.М. Ўзбек тили грамматик категорияларининг систем тадқиқи. 1-қисм. – Тошкент: Innovatsiya-Ziyo, 2021. – 102 б.
13. Ғуломов А.Ғ. Феъл. – Тошкент: Фан, 1954. – 112 б.